

**“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик  
жамияти Бошқаруви Раисининг “9 декабрь - Халқаро коррупцияга  
қарши курашиш куни”га бағишланган тадбир иштирокчиларига**

**МУРОЖААТИ**

**Хурматли банкимизнинг ёш мутахассислари, ҳамкасабалар!**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг ташаббуси билан ҳар йили республикамызда “9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган, ушбу иллатга мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб келмоқда.

“Ўзмиллийбанк” АЖ тизимида ҳам ҳар йили ушбу санага бағишланган тадбирлар жамоамиз барча ходимларининг фаол иштирокида ўтказилиб келинмоқда.

Бугунги тадбир айнан шу санага бағишланган бўлиб, уни ўтказишдан мақсад сизни, Банкимизнинг ёш мутахассисларини коррупция иллоти ва унинг оқибатларидан хабардор қилиш, ҳуқуқий онгингизни оширишга қаратилган маълумотлар билан таништириш.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти ўз фаолиятида ҳалол, виждонли ва очиқ бизнес юритишнинг юқори меъёрларига амал қилади. Биз коррупцияни ҳар қандай шакл ва кўринишларда рад этиш принципига риоя қиламиз ва жамиятда коррупцияга қарши маданият даражасини оширишга ҳисса қўшишни ўз бурчимиз деб биламиз.

Ушбу тамойилларга риоя қилиш учун Банк миқёсида коррупцияга қарши курашиш Дастури яратилди ва амалга оширилмоқда. Ушбу дастур қонун ҳужжатларига, шунингдек, илғор халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

эгаллаган мавқеидан қатъи назар, барча ходимлар, шунингдек, Банк номидан ёки унинг топшириғи асосида иш юритувчи шахслар учун амал қилиш мажбурий бўлган “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ва “Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш Сиёсати”;

коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ходимлар, шу жумладан, раҳбар ходимлар учун махсус ўқув курслари;

коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ходимлар ва мижозлар учун тезкор икки томонлама алоқа каналларини яратиш.

Банкда коррупцияни олдини олишга қаратилган тизимни ташкиллаштириш жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги кўрсатмалари ҳамда ISO 37001 халқаро стандартлари асосида олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2024 йилда Банкимиз ISO 37001:2016 халқаро “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими стандарти” талабларига мувофиқлик сертификатини олишга эришилди.

Ушбу сертификатга эришиш “Ўзмиллийбанк” учун шаффофликни ошириш, одоб-ахлоқ ва масъулиятнинг юқори стандартларига содиқлигини намойиш этишда муҳим қадамдир. Жорий йилнинг октябрь ойида Банкимиз халқаро сертификат талабларига мувофиқликни тасдиқлаш бўйича кузатув аудитидан муваффақиятли ўтди.

## Хурматли ҳамкасабалар!

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида қўйилган вазифалар ижроси Банкнинг барча тузилмавий бўлинмалари томонидан амалга оширилиб, Комплаенс таваккалчилиги блоки Коррупцияни олдини олиш Бошқармаси мутахассислари томонидан мувофиқлаштирилмоқда.

Хусусан, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга ушбу Бошқарма ваколатли орган этиб тайинланган ва масъул ҳисобланади.

Банкнинг барча тузилмаларида коррупциявий хавф-хатарлар бўйича баҳолаш ўтказилди ва хатарларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар йиллик Дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Банк тизимида коррупция ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи алоқа каналлари, махсус телеграмм-бот, ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалар яратилди.

“Ўзмиллийбанк” АЖ ходимлари ва мижозларининг коррупция илллати ва унинг оқибатларидан хабардор қилиш, ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида, Банкнинг Бош офиси ҳамда ҳудудий тузилмаларида “Аксилкоррупция бурчаклари” ташкил этилиб, уларга слайдлар, инфографика ва бошқа инновацион кўринишда маълумотлар жойлаштирилган.


Бошқарма мутахассислари Ўқув банки билан ҳамкорликда барча ходимлар иштирокида коррупцияга қарши курашиш мавзуларида ўқув вебинарларида иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Академиясининг тажрибасини қўллаган ҳолда ходимларни махсус Ўқув дастури асосида масофадан туриб ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Бунда Банкнинг барча тоифадаги ходимлари қамраб олинди.

Таъкидлаш жоизки, биз рўй бериши мумкин бўлган қонунбузилишлари ҳамда аксилкоррупцион қонунчилик ва Сиёсатимиз талабларининг бузилишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар ҳақида ўз вақтида маълумот олишдан манфаатдормиз. Банк “Ишонч телефони” орқали мурожаат этган ходимлар ва мижозларга ҳамда тақдим этилган маълумотларга нисбатан махфийлик тамойилларига риоя этилиши ички идоравий ҳужжатларда кафолатланган, уларни ҳимоя қилиш тартиби таъминланган.

Хурматли ёшлар, тадбир қатнашчилари!

Банкимиздаги фаолиятингизга омад тилаган ҳолда, коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлишингизга ва унга қарши аёвсиз курашда фаол қатнашишингизга ишонч билдираман!

“Ўзмиллийбанк” АЖ  
Бошқаруви Раиси



А. Мирсоатов